



Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда миллий гоҳни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англашга ва ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Турдиев Содиқжон — Асака тумани «Асака жилоси» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Камилов Халиджан Махаммаджанович — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси профессори, Тошкент шаҳри

Шаймов Мирзахмат Исматович — «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 23 август



Турдиев Содиқжон



Камилов Халиджан Махаммаджанович



Шаймов Мирзахмат Исматович

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳар бир инсоннинг бахти, фаровон ҳаёт кечиршини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бунинг биргина суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Mustaqilligimizning 21 yilligi oldidan

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Дарҳақиқат, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият экани бугун жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари таъминланаётганида ўз ифодасини топмоқда. Ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ соҳасида ҳаётга татбиқ этилган кенг қамровли ислохотлар натижасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг самарали механизми шакллантирилди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан суд ҳокимияти ва судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд-ҳуқуқ тизimini янада демократлаштиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, бундай кенг кўламли чора-тадбирлар самараси ўлароқ халқимизнинг дунёқараши, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти изчил юксалиб бормоқда. Бугун одамларимиз-



нинг фикрлаши, теваракатрофда юз бераётган воқеаларга муносабати, фуқаролик позицияси тубдан ўзгарди. Бу ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, суд-ҳуқуқ тизimini демократлаштириш ҳамда либераллаштириш жараёни изчил давом этиб, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб бораётганида ҳам ўз аксини топаётган. Қолаверса, бундай ўзгаришларни суд тизимида кўриб

чиқалаётган ишлар, турли халқаро конференция ва анжуманларда экспертлар томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар ҳам тасдиқлайди. Ўтган давр мобайнида суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя эта оладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилди. (Давоми иккинчи бетда)

Истиқлол йилларида пойтахтимиз Тошкентнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, Шарқнинг ҳақиқий дурдонасига айланди. Пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорликлар, халқимиз учун яратилаётган шарт-шароитлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётгани қувонарли. Бойси яқинда азим

пойтахтимиз Тошкент дунёнинг яхши шаҳарлари рейтингидан ўрин олди. Британиянинг нуфузли «Экономист» журнали бўлинимаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси рейтингига кўра, Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллади.



БУЮК БУНЁДКОРЛИКЛАР БЕШИГИ

Economist Intelligence Unit бу йили шаҳарлар рейтингини имкон қадар холис бўлиши учун барча чораларни амалга оширди — танловнинг энг яхши мезонлари конкурсини эълон қилди ва BuzzData тадқиқот фирмаси билан ҳамкорликда дунёнинг энг яхши шаҳарларини аниқлаш бўйича такомиллаштирилган комплекс рейтингни ишлаб чиқди. Бу йилги рейтинг барқарорлик, соғлиқни сақлаш хизматлари, маданий ва атроф-муҳит сифати, таълим даражаси ва инфратузилмаси каби аънавий кўрсаткичлар билан бирга яшил экинзорлар майдони, ҳавонинг сифати, ҳудудларнинг тавсифлари, табиий дам олиш масканларига яқинлиги,

дунё миқёсидаги маданий мерос объектлари, ҳудудий ва халқаро транспорт алоқаларининг мавжудлиги каби мезонлар билан бойитилди. Ана шу кўрсаткичлар бўйича яшаш учун қулай бўлган дунёнинг 140 та шаҳри ўртасида танлов ўтказилди. 70 та энг яхши шаҳарларнинг якуний рўйхатидан Осиёнинг 30 шаҳри, Европанинг 18 шаҳри, Шимолий ва Жанубий Американинг 18, Африка қитъасининг 3 шаҳри ҳамда Австралия ва Океанияга тегишли бўлган битта шаҳар ўрин олди. Шуниси эътиборга сазоворки, танловда Марказий Осиё ва Кавказ ҳудудидан фақат битта шаҳар — Тошкент иштирок этди. Ўзбекистон пойтахти дунё-



нинг ободлик ва яшаш қулайлиги рейтингига 140 шаҳар орасида юқори 58-ўриндан жой олиб, жаҳон таснифидаги яшаш энг қулай бўлган йирик шаҳарлар орасидан муносиб ўрин эгаллади. (Давоми тўртинчи бетда)

Маълумки, ҳаётда меҳр-оқибатли бўлиш, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш, қариндошлик, дўстлик, қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш — халқимизга хос азалий урф-одатлардан саналади. Бугунги кунда суд амалиётида кенг қўлланилаётган ярашув институти ҳам халқимизга хос бағрикенглик, кечиримчилик каби фазилатларнинг амалдаги ифодасидир.

Islahot va samara

Бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

Айтиш керакки, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан миллий қадрият ва аънаваларимиз қайта тикланиб, янада ривожлантирилмоқда. Энг муҳими, инсонпарварликка асосланган эзгу қадриятларимиз миллий қонунчилигимизда ҳам акс эттирилмоқда. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги изчил ислохотлар бунда муҳим омили бўлмоқда. Юр-

тимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судларга ўтказилгани инсонпарварликнинг амалдаги юксак ифодаси сифатида бугун дунёда кенг эътироф этилди. Бу давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимизда дунёдаги энг инсонпарвар ва либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилганидан яна бир далолатдир.

(Давоми учинчи бетда)



Qonun ko'magi

Тадбиркорлик ривожини

жамият тараққиётининг муҳим кафолати

Тадбиркорлик нафақат иқтисодиёт таянчи, балки аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг муҳим омилidir. Шу боис юртимизда соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунчилик тобора такомиллаштирилмоқда.

Айтиш керакки, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимининг энгиллаштирилгани, текширишларни янада қисқартирилиши, тақдим этиладиган ҳисобот тизimini соддалаштирилгани ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш белгиланганлиги соҳа вакиллари учун кенг қулайликлар яратди. Шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи жорий қилинган, яъни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркор фойдасига талқин этилиши белгилангани ҳам соҳа вакилларига кўрсатилаётган улкан

эътиборни кўрсатиб турибди. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар изчил давом этмоқда. Жумладан, Президентимизнинг яқинда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан рўхсат беришга оид 80 та тартиб-таомил ва 15 та лицензияланадиган фаолият турлари бекор қилинди. (Давоми иккинчи бетда)

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу, аввало, суд тизими қонунчилик асосларини такомиллаштиришда ўз аксини топди. Жумладан, 2000 йил 14 декабрда «Судлар тўғрисида»ги Қонун янги тахрирда қабул қилиниб, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Яъни судлар ижро ҳоқимияти органи тизимидан чиқарилиб, судьялик лавозимига номзод танлаш тамойили тубдан англанди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси судлар фаолиятини ташкилий таъминлайдиган орган сифатида жорий этилди. Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаментининг ташкил этилиши эса, судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан халос бўлиши ва бутун диққат-этиборини одил судловни амалга оширишга қаратиш имконини берди.

Батафсил айтиладиган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 мартдаги қарори билан Адлия вазирлигининг Судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ўрнига Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Департамент зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилди. Судларни ташкил этиш борасида таклифлар ишлаб чиқиш, судья лавозимига кадрларни танлаш, лавозимга тавсия этиш ва малакасини ошириш, судларни ташкилий, моддий-техника жиҳатидан қўллаб-қувватлаш, суд биноларини қуриш ва таъмирлаш, судьялар ва суд процесслари учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш ҳамда суд ва бошқа органлар қарорлари ижросини таъминлаш шулар жумласидандир.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу Қонун талаблари асосида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил қилинди. Шу билан бирга, ушбу ҳужжатда департамент томонидан ижро этиладиган ҳужжатлар рўйхати, ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар, суд ижроси мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбурияти, ижро иши юритишни кўзгайтириш, тўхтатиш, тугатиш ва тамомлаш асослари, унирувнинг қардор мол-мулкига қаратиш тартиби, унирув қаратилган мол-мулкни хатлаш, сақлаш, баҳолаш, реализация қилиш, чет эл суди ва арбитражлари қарорларини ижро этиш ва ижро этмаганлик учун жавобгарлик масалалари белгилаб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарори билан судья лавозимларига кадрларни тавсия этиш, суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилининг амалга ошириш, судларни ташкил этиш, халқ маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда уларни ўқитиш ишларини ташкил этиш департамент ваколатларидан чиқарилди. Унинг асосий вазифаси сифатида суд ва бошқа органлар қарорларининг ижро этилишини ташкил қилиш белгиланди. Бу янгилек 2001 йил 7 декабрда «Судлар тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларда ҳам ўз аксини топди.

2001 йил «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ ислохотларида янги босқични бошлаб берди. Унга кўра, жиноятлар таснифи ўзгаририлиб, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Натижада иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамқоққа олиш, озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имкони кенгайди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилига мувофиқ зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо ҳам чиқариб ташланди.

Жиноят кодексининг 11 та моддасига етказилган моддий зарар ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилгани тизимдаги ислохотлар инсонпарварлик тамойилларига асосланганлигини кўрсатади. Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, юртимизда ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига ярашув институтининг киритилиши соҳа ислохотлари мил-

эса 193 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар ўрнини қоплаган 21 минг нафардан ортиқ шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Судларнинг ихтисослашуви ҳам соҳа ислохотларида муҳим қадам бўлганлигини айтиб ўтиш жоиз. Мисол учун 2001 йил 1 январдан ўз фаолиятини бошлаган фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқаролар ўртасида ҳамда фуқаро ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, томонларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. 2011 йилда фуқаро-

ти билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг «Мустақкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарориде келгусида амалга ошириладиган устувор йўналишлар белгилаб берилди. Амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш, оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, «Соғлом оила — соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш шулар жумласидандир. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун 1 478,7 миллиард сўм ва 114 миллион АКШ доллари миқдорига маблағ сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, бу борада суд органлари томонидан ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Масалан, оила муқаддаслиги ва қонуний никоҳнинг афзалликларини тушунтириш мақсадида судьялар, ФХДЭ идоралари ва хотин-қизлар кўмитаси ходимлари ҳамкорлигида тарғибот-ташвиқот тадбирлари йўлга қўйилди. Шу билан бирга, ФХДЭ идоралари қошида «Ёш оила дорилфунуни», «Ёш оила қурувчилар мактаби» ташкил этилди. Асосийси, улар ёшларнинг оила ҳақидаги тасавурларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.


Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада рўёбга чиқарилаётган ислохотларда яна бир муҳим қадам бўлди. Унда суд ишларини мустакил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал қарорларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши бизни қувонтириши баробарида, ҳар бир судьянинг зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Фармонда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равиши Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳужаки судида мажбурий тайёрларлик ва стажировка ўташлари назарда тутилганлиги ҳам бежиз эмас. Бундай тартиб белгилашни судьяларнинг назарий ва амалий билимларини ҳамда касб малакаларини тобора ошириб бориш, ўз олдларига қўйилган одил судловни амалга оширишдек ўта масъулиятли вазифани ҳалол ва поклик билан бажаришларида муҳим аҳамият касб этади.

Бу ҳужжатда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқлаш белгиланганлиги эса, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда суд тизимининг ошқоралиги ва очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар боис мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими бутунлай ўзгача мазмун-моҳият ва қиёфа касб этмоқда. Яъни суд инсонпарварлик тамойили асосида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи одил орган сифатида шаклланди. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар туб замирида шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқариш, пировардиде инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этиш мақсади мужассамдир.

«Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 22 август сониндан олинди»

Mustaqilligimizning 21 yilligi oldidan**ИНСОН ҲУҚУҚ ВА
МАНФААТЛАРИ —
ОЛИЙ ҚАДРИЯТ**

лий урф-одатлар билан ҳам уйғундир. Халқимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримлик тамойиллари ярашув институти моҳиятига сингдириб юборилган. Унга кўра, ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноий қилмишнинг содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Эътиборлиси, ҳозирги пайтда 53 та жиноят бўйича шу тамойил қўлланилиб, у жорий этилгандан буён 131 минг нафардан зиёд киши жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида суд ишларини соддалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, амалдаги жиноят процессуал кодекси ва фуқаролик процессуал кодексига ўзгариш киритилди, яъни ишларни апелляция инстанциясида кўриб чиқиш жорий этилди. Бу, ўз навбатида, суд қарорларининг қонунийлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу институтнинг жорий этилиши билан апелляция инстанцияси суд қарорини бекор қилиб, ишни янгида кўриш учун юбормасдан, янги ҳал қилув қарори қабул қилишдек процессуал ҳуқуққа эга бўлдики, бу ҳам фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қилиш имкониятини яратди.

Шу билан бирга, амалдаги фуқаролик процессуал кодекси буйруқ тартибда иш юритиш ҳақидаги алоҳида 201-боб билан тўлдирилганлиги ҳам суд ишларини соддалаштириш борасида муҳим қадам бўлди. Бу бобга киритилган қоидаларнинг аҳамияти шундан иборатки, мазкур қонун қабул қилинган, судья низосиз тоифадаги талаблар бўйича суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлди. Биргина 2012 йилнинг 6 оий мобайнида бир миллиондан ортиқ суд буйруғи чиқарилган. Суд буйруғи чиқарилган аризалар бўйича 360 миллиард сўмдан зиёд маблағ унирув белгиланди. Фуқаролик ишларининг 85 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган, шундан 89,1 фоиз иш бўйича давво қаноатлантирилди.

Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳам ўз самарасини бермоқда. Жазоларни либераллаштириш ҳақидаги қонун амалга татбиқ қилинаётганидан буён

лик ишлари бўйича судлар томонидан 305 минг 227 та, 2012 йил 6 ойида 84 минг 696 та иш мазмунан кўрилиб, қонуний ҳал этилганлиги бунинг далилидир.

Президентимиз томонидан Ўзбекистонни тараққий эттиришининг яқин ва истиқболдаги стратегияси — Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди. Бунда судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасасга жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда. Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшитириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган ўзгариш киритилмоқда. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустакиллиги, холислиги ва бегаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасида суднинг жиноят иши кўзгастириш доир ваколати чиқарилмоқда. Концепцияда назарда тутилган мазкур ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг яқинда бўлиб ўтадиган ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилаётган «Суд-ҳуқуқ тизими янада ислоҳ қилиш муносаба-

Qonun ko'magi**Тадбиркорлик
ривожи****жамият тараққиётининг
муҳим кафолати****(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Шунингдек, ушбу ҳужжат асосида аксарият лицензияланадиган фаолият турлари учун лицензиялар мuddати чекланмаган ҳолда берилиши ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда ариза тақдоран тақдим этилган тақдирда янги асослар бўйича лицензия ва рухсатномалар беришдан бош тортилиши тақиқланди.

Бундан ташқари 2012 йил 18 июль кунин Президентимизнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга асосан, ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари, эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойиллари кўрсатиб ўтилди.

Фармонда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида бир қатор муҳим вазифалар белгиланди. Шунингдек, Фармон билан қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналиштириш тадбирларини амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди.

Фармон асосида, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва ҳужалик бошқаруви органларида айрим тартиб-таомилларни ўз хоҳишларига кўра, электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ҳозирда Адлия вазирлиги томонидан юқорида қайд этилган фармонлар ижросини таъминлаш мақсадида зарур вазифалар белгилаб олинди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Хусусан, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича идоралари томонидан тегишли ташкилотларга 1051 та тақдимнома, 836 та оғлоҳнома ва 406 та кўрсатмалар киритилди, ушбу таъсир чоралари натижасида 1250 нафар мансабдор шахс интисомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 61 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Адлия идораларининг киритган таклифлари асосида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган 153 на-

фар айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Жумладан, Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан ОАТБ «Агробанк» Пахтаобод тумани филиалида ўтказилган ўрганишда тадбиркорлик субъектлари томонидан нақд пул олиш мақсадида тақдим қилинган чеклар банк филиали томонидан мuddати бузилган ҳолда ижро этилгани аниқланиб, мазкур ҳолат бўйича банк-касса амалиёти мудирига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди. Ҳуқуқбузарга энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдориде жарима қўлланилди.

Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган 15,1 миллиард сўмлик 1117 та давво аризасининг 853 таси судлар томонидан қаноатлантирилиб, 6,6 миллиард сўмлик зарар ундирилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича адлия идораларига қилган мурожаатлари алоҳида назоратга олинди, уларни тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиши таъминланмоқда. Хусусан, адлия идораларига 2012 йилнинг ўтган олти ойи давомида тадбиркорлик субъектлари томонидан келиб тушган мурожаатларнинг 944 таси кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилди.

Адлия идораларида жорий этилган махсус «1-008» рақамли «Ишонч телефони» ҳуқуқлари бузилган тадбиркорларнинг зудлик билан тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятини кенгайтирди.

Масалан, Бўҳоро вилояти адлия бошқармасининг «Ишонч телефони»га Олот туманида фаолият кўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркор Ш.Ҳожиёв ОАТБ «Агробанк» Олот тумани филиали томонидан кредит маблағи ажратиш берилмаётгани юзасидан қилган мурожаати бўйича киритилган кўрсатма хатга асосан тадбиркорга кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Шунингдек, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувлар бўйича мурожаатларни қабул қилишни такомиллаштириш мақсадида Адлия вазирлигининг интернет сайтыда алоҳида «Тадбиркор мурожаати» веб-саҳифаси яратилган.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ушбу соҳага бўлган кизиқишини тобора оширмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг сони ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортаётган иқтисодиётимиз ривожини таъминламоқда.

Шокир РАФИҚОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Iftixor

БУЮК БУНЁДКОРЛИКЛАР БЕШИГИ



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Economist Intelligence Unit экспертлари томонидан, айниқса, шаҳар аҳолисининг сифатли таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар кўрсаткичи юқори баҳоланди.

Дунё рейтингда соғлиқни сақлаш хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳам юқори баҳоланиб, ушбу кўрсаткич бўйича Тошкент дунёда 48-ўринни эгаллади. Ўзбекистон пойтахти транспорт ва коммуникация инфратузилмаси ривожланиши бўйича ҳам дунёнинг энг илғор 50 шаҳри сирасига киритилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, мамлакатимизда бугун уй-жойлар юртимиз иқлим шароити, миллий ўзига хослигимиз ва замон талаблари асосида лойиҳалаштирилмоқда ва бунёд этилмоқда. Бу Ватанимизда истиқлол йилларида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати олий кадрлар даражасига кўтарилганлигининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Чунки инсон манфаатларини таъминлашга устувор аҳамият қаратиладиган мамлакатдагина барча нарса, жумладан, уй-жой ҳам унинг бахти ва саодати учун хизмат қилади.

Президентимиз раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган уй-жой сиёсати амалга ошириб келинмоқда. Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини таъминлаш, шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам уй-жой қуришини ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш борасида турар жой қурилишини рағбатлантириш, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган самарали уй-жой бозорини**

шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 16 февралда қабул қилинган «**Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарори асосида ташкил этилган «Ипотека-банк» акциядорлик ташкилати ипотека банки мамлакатимиз фуқароларига яқна тартибдаги уй-жой қурилиши учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити бериш амалиёти кенг қўллаётди. Банк ташкил топганидан буён минглаб оилаларга ипотека кредитлари берилди. Энг асосийси, бундай эзгу ишларнинг яна бир қулайлик ва афзаллик жиҳати шундаки, ипотека кредити олувчи қуриладиган ёки сотиб олинаётган уйда яшаб туриб, қарзини узоқ йиллар давомида тўлаши мумкин. Кредитнинг бу қулай тури уй қуриш ёки сотиб олишга етарли маблағ бўлмаган оилалар учун, айниқса, катта мадад бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «**Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги Фармонида мувофиқ амаллар оширилётган эзгу ишлар келажакка қомил ишонч билан интиладиган навқирон авлод вакилларига ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ана шундай кенг имтиёзлар уларнинг муштарак ҳаётга дадил қадам қўйиши, меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олиши учун амалий рағбат бўлиб хизмат қилаётди. «Муштарак оила йили»да бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «**Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги қарорига мувофиқ қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар бўйича замонавий яқна тартибдаги уй-жойларни кенг қўламда барпо этиш, қишлоқ қиёфасини тубдан янгилаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган хайрли ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Жумладан, мамлакатимиздаги барча ҳудудларда – қишлоқ жойларда замонавий лойиҳалар асосида кўркам, ёруғ, кенг ва шинам, жуда қулай тарзда юзлаб аҳоли турар жойлари ва ижтимоий соҳа иншоотлари бунёд этилмоқда. Намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган бу уй-жойлар муштараклиги, барча шарт-шароитлар муҳайё этилгани билан қишлоқ аҳлига манзур бўлмоқда.

Бу юксалишлар истиқлолимиз шарофати, давлатимиз раҳбари томонидан узоқни кўзлаб олиб бориладиган оқилона сиёсат, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва барқарорликнинг самарасидир.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Бизни ўраб турган олам бир қарашда гўзаллиги ва гаройиботлари билан ўзига мафтун этса, ақл бовар қилмас сир-синаотлари билан ҳайратга солади. Табиатда яна шундай нарсалар борки, улар ҳақида оз бўлса-да билиш фойдадан ҳоли эмас. Масалан, чаннинг салбий хусусиятларини билиш ва ундан ҳимояланиш орқали инсон ўз саломатлигини асрайди.

Sirli dunyo

Биз билган ва билмаган дунё



«САЁХАТ»ЧИ ЧАНГЛАР

Аслида, чанг оддий кулранг ёки рангсиз тусдаги кукунсимон модда. Ҳаётимизда биз уни пол ёки стол устида, эрталаб ишхонага кириб келганда компьютер мониторини қоплаб олган, уйда эса, гилам тағлариде йиғилганини кўра-миз. Шунинг учун ҳам олимлар чанг таркибини нима сабабдан бунчалик диққат билан ўрганиб келади.

Масалан, Британиядаги чангтўтич ишлаб чиқарувчи компаниялардан бирида чангнинг тадқиқ этиш билан шуғулланувчи махсус микробиология лабораторияси фаолият юритади. Айнан ана шу лаборатория мутахассислари икки хил чанг турларини аниқлашга муваффақ бўлишди. Бундан ташқари чанг таркибида бугдой, ачтки замбуруғчалари ва қўллаб бошқа воситалар мавжудлигини исботлаб беришди.

АҚШнинг Индиана штатидаги Тейлор университети профессори Жеймс Коунинг фикрича, чангнинг инсон саломатлигига салбий таъсири ниҳоятда катта бўлиб, қўллаб касалликларнинг сабабчиси айнан чанг орқали юқадиган органик бўлачлар ҳисобланади. Янги яратилган сенсорли аппарат ёрдамида олимлар чанг таркибидаги 63 та ўзига хос чанг қисмчаларини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Бу қисмчаларнинг таркиби ўрганилиб, илмий нашрларда эълон қилинди.

Умуман олганда, чангнинг ҳаракатланиш жараёнини ўрганиш инсон тафаккурини географик жиҳатдан кенгайтиради. Чунки ер юзининг турли нуқталари ўртасида чанг билан боғлиқ қизиқарли ўх-шашиқлар мавжуд. Ахир, чангнинг энг кичик зарраси ҳам ақл бовар қилмас даражада узоқ масофаларга «сайр» этади.

Чангнинг тарқалишига асосан қуруқ шамолли ҳаво сабаб бўлади ва айнан шу чанглар инсоннинг пойафзал ва кийимларига ўрнашиб олади. Ҳозирги кунга келиб лабораторияга келтирилган биргина чанг заррасидан бу чангнинг «эгаси» ким, қандай касбда ишлаши, яшashi, иш жойи ва ҳатто ёшини аниқлаш мумкин. Ана шу ахборотларнинг барчаси сизу биз оддий кўз билан пайқайолмайдиган биргина чанг заррасидан мавжуд.

Чангни ўрганиш ишлари шунчаки қизиқки туфайли олиб борилаётгани кундек равшан. Асосий мақсад — инсон саломатлигини таъминлашдан иборат. Ҳўш, бизга олимлар нималарни тавсия этиши мумкин? Бу саволга жавобини бир тарафлама бериб бўлмайди. Биринчидан, чангнинг инсон организмга таъсири унинг ҳажми билан билан боғлиқ бўлади. Чунки чанг зарралари ниҳоятда кичик, яъни 2,5 микрометрдан ошмас ҳам хавфлидир. Буни солиштириш учун мисол тариқасида эритроцитлар (қизил қон таначалари) ҳажми ўртача 10 микрометрини ташкил этишини келтириб ўтиш kifoya.

Иккинчидан, чангнинг қанчалик хавфлигини унинг таркиби ҳам белгиланган. Чунки чанг таркибида нафақат замбуруғ, кана ва ҳатто сувараклар ҳам бўлиши мумкин. Ҳулоса ўрнида шунни айтиб ўтиш жоизки, иммунитетимиз нима фойдали-ю нима зарарли эканлигини фарқлайди. Демакки, инсон организм ва иммунитет чангнинг ҳар қандай тури билан қурашишга қодир.

Интернет материаллари асосида Дилфуза КЎЗИЕВА тайёрлади.

Чанг таркибидаги органик қисмчаларнинг таркиби ўрганилиб, илмий нашрларда эълон қилинди. Юқорида таъкидлаганимиздек, чанг бизни ўраб турган барча нарсаларда пайдо бўлади. Бунга яна уй ҳайвонлари, ўсимликлар, турли жинс ҳозлар ва кийим-кечаклар ҳам кирилади. Энг қизиғи, чангнинг таркиби ҳамиша ўзгариб туради. Бу айниқса, биз бирор-бир таом тайёрлаётганимизда сезилади.

Шу сабабли олимлар атмосфера чанги таркибини ҳам ўрганиб чиқишди ва чанг таркибида органик материаллар 63, кварц 54, карбонатлар 27, гипс 22 фоизни ташкил қилишини исботлаб беришди. Демак, чанг таркиби, оддий қилиб айтганда, ҳўжалик анжомлари ва химикатлари, қурилуш материаллари, қум ва тутундан иборат, деган хулосага келиш мумкин.

Hikmat

Донолар дейдиларки:

Ўқимшилик билмасизликдан кўра маъқул эканлигини фахрлаб, болаларингга мол-давлат қолдирмаётганингдан афсусланма, уларни ўқитгин.

Айтмоқчи бўлган сўзингни маъносини олдин англа ва кейин гапир.

Икки нарсани оғат қил: ёрдам беришни ва ҳеч бўлмаса, зиён етказмаслиқни.

Яёв юриш — оғам учун энг яхши муолажа.

Ўринли маслаҳатга қулоқ тутиш ҳам тўғри идрок қилишдир.

Энг яхши, эзгу иш — бу илм олишдир.

Қўлинггаги ишни тугатмай туриб, янгисига қўла урма.

Муваффақият қийинчиликсиз бўлмайди.


Аёл — нафосат ва гўзаллик тимсоли. Унинг меҳридан қалблар сурурга тўлади. Халқимиз азиздан аёлларни ҳурмат қилиш, уларга эҳтиром билан муомалада бўлишга жиддий эътибор қаратиб келган. Фикримизга исбот қилди, кўз ўнгимизда Биби-ноним, Нодирабегим, Увайсий каби тарихимизда чуқур из қолдирган, жамият ривожига улкан ҳисса қўшган азиз оналаримизнинг нурли сиймолари гавдаланади. Улардан мерос бўлиб қолган меъморий обидалар, баъдий-фалсафий асарлар бугунги кунда ҳам ўз қадрини асло йўқотгани йўқ.

Эътиборлиси шундаки, мамлакатимиз муштараклига эришган, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида аниқ чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширила бошланди. Масалан, мамлакатимиз 1995 йили БМТнинг «Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенциясини ратификация қилди. Миллий қонунчилигимизда ҳам бу йўналишда қатор ҳуқуқий ҳужжатлар кучга кирди. Бу саъй-ҳаракатлар аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва мақомини оширишда катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда ҳар бир соҳада сиқидилдан меҳнат қилаётган, энг муҳими, меҳнатининг ҳузурини кўраётган, эътибор топаётган аёлларимизни истаганча мисол келтириш мумкин. Ишбилармонлик билан тикувчилик, пазандачилик каби бир қатор йўналишларда қорхоналар ташкил этаётган, янги-янги иш ўринлари яратаятган, нафақат ўзига, балки кўпчиликка нафи тегаётган опа-сингилларимиз шу юртининг, шу элнинг бахтидир, десак, асло муволага бўлмайди.

Qilmish-qidirmish

Ҳалоллик умрга мазмун бағишлайди

нопок йўл эса, юзшувутлик келтиради



лик, тўғрилиқ, ростгўйлик сингари инсоний фазилатлардан сабоқ бериши лозим бўлган баъзи аёлларнинг ўзлари эгрилик кўчасига кириши бағоят афсусланарли ҳолдир...

мадга эга бўлиш эди. У ўзининг чиркин ниятига эришади. Лекин тийиксиз нафси унга тинчлик бермайди ва орадан ўн кунга ўтиб, яна кўп микдордаги гиёҳвандлик воситасини Самарқанддан Хоразмга келтирмоқчи бўлди. Аммо «Тошкент-Урганч» йўналишидаги поездга ўтириб, Хазорасп туманига етиб келганида, унинг қилмиши фош бўлди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида Г.Абдуллаеванинг 67,39 грамм «опий» гиёҳвандлик воситасини яширинча олиб кетаётгани маълум бўлди. 2012 йилнинг 27 февралда жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди Г.Абдуллаева ва унинг жиний шериклари қилмиши юзасидан ўз ҳукмини эълон қилди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилётган изчил ислохотлар жараёнида жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиланинг ҳуқуқий асослари ҳам тобора муштараклашмоқда.

Албатта, оила муштараклигини, унда тинч-осойишта муҳитнинг юзга келишини оналарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Оқила, меҳрибон, жонқуяр оналар фарзандларнинг камолотида беқияс ўрин тутди. Фарзандларига тарбия бераётган, ҳар бир ишда ўрнак бўлаётган опа-сингилларимиз жудаям кўп. Шундай экан, ҳаётда ўрнини топмаган, қинғирлик кўчасига кирган Г.Абдуллаева сингари айрим аёлларнинг тўғри йўлга қайтишига барчамиз ўз хиссамизни қўшимиз даркор. Бунда, айниқса, маҳалла кайвонилари, хотин-қизлар қўмиталарининг жойлардаги бўлимлари янада фаоллик кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир.

Озод ЖУМАНИЕЗОВ, жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судяси

Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЛОВ
Шолмўмин ЁЗДОРОВ
Хонумири ФЎЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир

- Отабек САҒАРОВ
Саҳифаловчи Шерзод ҲАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй. E-mail: kuch-adoilatda@mail.ru Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56 Буюртма: Г-816. Қўроғ бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. Адади: 7660. 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22³⁰